

**ФАРГОНА ВОДИЙСИДА КЕНГ ТАРҚАЛГАН ДОРИВОР
ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ХАЛҚ ТАБОБАТИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ТУРЛАРИ**

З.А.Юсупова

ФарДУ, Ботаника, биотехнология ва экология кафедраси доцент v.b.

Каримжонова Гулхумор

ФарДУ магистранти

Аннотация: Одамлар қадим замонлардан табиат неъматларидан фойдалана бошлигандан буён доривор ўтлардан, гиёҳлардан турли қасалликларни даволашда фойдаланиб келган. Бундан 3-4 минг йиллар аввал Ҳиндистон, Хитой, Қадимги Миср мамлакатларида шифобахи ўсимликлар ҳақида маълумотлар берувчи асрлар ёзилган. Шарқда, хусусан, Ўрта Осиё ҳалқ табобатида доривор ўсимликлардан фойдаланиб даволаши ўзининг қадимий анъаналарига эга. Шифобахи ўсимликлардан тиббий мақсадларда фойдаланиши борасида Абу Али ибн Синонинг “Тиб қонунлари” асарида келтирилган маълумотлар қимматлидир.

Калит сўзлар: бўймодарон, қирқ бўғим, иттикан, наъматак, ўлмас ўт, қизилча, сугурўт.

Доривор ўсимликлар фармасевтика ва тиббиёт амалиётида кенг қўлланилади. Улардан инсон саломатлигини мустаҳкамловчи, ҳаётини сақлаб қолишга хизмат қилувчи дори-дармонлар ва препаратлар тайёрланади.

Инсон ҳаётини она табиат, унинг ажralmas қисми бўлган ўсимликлар дунёсисиз тасаввур этиб бўлмайди. Инсон доима ўсимликлар билан бирга, унинг бебаҳо инъомларидан баҳраманд бўлиб яшайди.

Мангу табиат бағридаги яшил дунё тириклик манбайдир. Табиат вояга етказган ҳар бир ниҳолини она боласини эъзозлагандек авайлайди. Унинг униб-ӯсишига, барқ уриб яшнашига ва насл қолдириб, асрлар оша барҳаёт бўлиб келишига ҳамиша кўмаклашади.

Кўхна табиат маҳсули бўлмиш ўсимликлар инсонни озиқлантириши, кийинтириши, эстетик завқ бериши билангина эмас, тарихий тараққиёт жараёнида ўзида мужассамлантирган ички дунёси, ақл бовар қилмайдиган ажойиб биологик хусусиятлари билан бизни ўзига ром этиб келади.

Инсоният қадимдан қасалликларни даволаш вауларнинг олдини олишда табиатнинг инъоми – ўсимлик дунёсидан фойдаланиб келган. Масалан, қадимдан Ҳиндистон ўзининг ажойиб доривор “сехргар” ўсимликлари билан машҳур. Бундан тўрт минг йил аввал ҳиндистонликлар в турли қасалликларга даво бўладиган юздан ортиқ ўсимликларни билганлар.

Бўймодарон ҳам кўп йиллик ўтчил ўсимлик бўлиб кенг тарқалган. Бўймадаронни



у гуллаган вақтида терилади ва қуритилади. Ундан медицинада муҳим ҳисобланган фойдали моддалар ажратиб олинган (алкалоид аҳиллеин, эфир мойи, смола, витамин С ва бошқалар). Бўймадарон халқ орасида қонни тўхтатиш учун фойдаланиладиган муҳим доривор сифатида маълум. Бундан ташқари ўсимликдан ошқозон касалликлари гастрит, язвани даволашда фойдаланилади. Бу ўсимлик муҳим ва қимматли ҳисобланади, шунинг учун ҳам уни мавжуд майдонларидан тежамкорлик билан фойдаланиш зарур.

Қирқ бўғим

ўсимлик бўлиб, сув жойларда кенг тарқалган. бегона ўт сифатида ҳам муҳим доривор саналади. Уни таркибида ошловчи моддалар, ва бошқа моддалар орасида удан ревматизм органларини даволашда ҳамда қонни тўхтатадиган манбаа сифатида фойдаланилади.



кўпийиллик ўтчил бўйларида ва зах Баъзи майдонларда ўсади. Қирқ бўғим ўсимликлардан алкалоидлар, аскарбин кислотаси учрайди. Халқ ва нафас олиш

Иттикан (қорақиз) ҳам кўп йиллик ўтчил ўсимлик бўлиб, қатор фойдали



хусусиятлари билан ажралиб туради. У асосан ариқ ва каналларни бўйларида ва зах жойларда тарқалган. Бегона ўт сифатида қатор майдонларда учрайди. Маълум бўлишича иттиканда жуда кўп flavanoidлар, аскарбин кислотаси ва эфир мойлари учрайди. Шунинг учун ҳам ундан баъзи бир касаликларни даволашда фойдаланилади. Иттикан ўсимлигидан тайёрланган настой ёки экстрактдан иштахани очувчи ва қонни тўхтатувчи ва бошқа мақсалдарда кенг фойдаланилади.

Наъматакни республикамизда бирнеча турлари тоғолди ва тоғли районларда тарқалган. Наъматаклар ариқ ва сойларни бўйларида ва бошқа жойларда кенг тарқалган. Наъматакларни мевалари фойдали ҳисобланади. Улар, асосан ҳар хил витаминларни асоси бўлганидан медицинада кенг ишлатилади. Наъматак меваларидан настойлар таёrlанилади. Бундан ташқари у витаминли бўлганлиги туфайли ҳар хил мурабболар ва шарбатлар таёrlашда ҳам қўлланилади.



Барча тоғли нохияларимизда наыматаклар кенг тарқалган ва уларни мевалари күплаб терилади ва топширилади. Доривор ўсимликлар орасида энг күп таёрланиладиган ўсимликлардан бири ҳисобланади, шунинг учун ҳам уни табиатдаги майдонлардан тежамкорлик билан фойдаланиш зарур.

Үлмас ўт (бессмертник) ҳам

кўпийиллик ўтчил ўсимлик бўлиб уларни иккита тури мавжуд. Республикашимизда учровчи тури (бессмертник самарканский) тоғли ва тоғолди районларида ўсади.



Доривор сифатида уларни гуллари фойдаланилади. Үлмас ўтни таркибида флавоноидлар, сапонинлар, ёг кислоталари, эфир мойлари, каротин, витамин К ва бошқалар бор. Үлмас ўти жигар ва ўт йўллари касалликларини (сариқ касали ва холецистит) даволашда кенг қўлланилади. Бу ўсимликни яхши дориворлиги туфайли кўплаб табиатда тўпланилади, шу туфайли ҳам уларни запаслари камайиб кетмоқда. Илгари Помир-Олой тоғ тизмасида катта-катта майдонларда ўssa, ҳам ҳозирги кунга келиб уларни манбалари камайиб кетган. Бу муҳим доривор ўсимликни яхши ўрганиш ва

маданийлаштириш керак.

Қизилча кўпийиллик бута ўсимлик, тоғли нохияларда учрайди. Қизилча таркибида алкалоидлар, ошловчи моддалар, витамин С ва бошқа моддалар учрайди. Бу ўсимлик қон босимини туширишда, астма касали ва бошқаларни даволашда қўлланилади.



Биз юқорида айрим доривор ўсимликлар устидагина тўхталдик, аслида эса уларни турлари бизнинг жумхуриятимизда 500 га яқин. Уларни кўпчилиги ҳалқ медицинасида қатор касалликларни даволашда қўлланилади, айримларигина эса илмий медицинада ишлатилади. Улардан 20 га яқин турлари жуда катта ҳажмларда табиатдан териб олинади ва аптека бошқармаларига етказиб берилади. Шу нарсани яна бир маротаба таъкидлаб ўтмоқчимизки, ҳозирги вақтда табиий холда ўсуви доривор ўсимликлар жуда кўплаб таёрланмоқда. Бундан ташқари, жуда кўп одамлар уларни териб келиб бозорларда сотмоқдалар. Тўғрисини айтганда, доривор ўсимликларимиз талон-талож қилинмоқда. Шунинг учун ҳам бу тўғрисида ўйлаб

нарсани яна бир маротаба таъкидлаб ўтмоқчимизки, ҳозирги вақтда табиий холда ўсуви доривор ўсимликлар жуда кўплаб таёрланмоқда. Бундан ташқари, жуда кўп одамлар уларни териб келиб бозорларда сотмоқдалар. Тўғрисини айтганда, доривор ўсимликларимиз талон-талож қилинмоқда. Шунинг учун ҳам бу тўғрисида ўйлаб



кўришимиз керак. Бундай талон-таложликка барҳам беришимиз керак. Табиатимиздаги бу ўлкан бойликларни тежаб-тергаб одилона ишлатишимиш керак. Бу бойликлар устидан ҳамиша назорат қилиб турадигон бир ташкилотни белгилаш керак, акс холда уларни бутунлай йўқотиб қўйишимиз мумкин. Доривор ўсимликлар тўгрисида кенг қўламда илмий ишларни олиб бориш керак, улардан кўпларини тезда маданийлаштириш керак. Уларни мавжуд маҳсуслаштирилган хўжаликларда қўпайтириш керак.

Суғурўт қўп ийллик ўтчил ўсимлик, поясининг баландлиги 40-60 см, нихоятда камёб ва ноёб ўсимлик ҳисобланиб Ўзбекистоннинг Кизил Китобига киритилган. У асосан юқори тог зонасида тарқалган,

янъни 2400-3500 м баландликлардаги яйлов зонасида ўсади. Суғурўт Ёрдон кишилогининг юқори қисмида, Хуржунтоғда, Калқуш, Кизқурғон, Делбоғ, Шашкираксойда, Оқсойда ва бошқа жойларда ўсади. Унинг таркибида киши юрак фаолиятини яхшилайдиган гликозидлар строфантин ва цимаринлар учрайди. Ушбу ўсимликнинг нихоятда фойдали ва камёблигини ҳисобга олиб О. Джалолов (1968) томонидан ўрганилган, уни биоэкологик, марфологик, анатомик хусусиятлари аниқланган. Ҳозирги вақтда суғурўтнинг заҳиралари кескин камайиб кетган. Ушбу камёб ўсимликка эътиборни кучайтириш зарур, табиий қопламалрда фитомелиорация ишларини олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Холматов Х.Х. Дикорастущие лекарственные растения Узбекистоне, Ташкент.1991 й.
2. Холматов Х.Х. Хабибов Х.З. Олимхужаева Н.З. Узбекистонинг шифобахш ўсимликлари .тошкент 1991
3. Биологические особенности и распространение перспективных лекарственных растений.Тошкент 1956
4. Каримов В. Шомахмудов А. халқ табобатида ва замонавий тиббиётда қоланиладиган шифобахш ўсимликлар.Тошкент .
5. Алибоева.П.К.лекарствие ростение Киргици Фрунзе .
6. Акопов И.З. Крово останавливающие растение.Ташкент.